

№21-22
(1508)
2024-YIL
15-NOYABRO'ZBEKISTONDA
SOG'LIQNI SAQLASHЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА

t.me/uzbekistondasog'liqni saqlash

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995-YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

ЎЗБЕКИСТОН СОГ'ЛИҚНИ САҚЛАШ
СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли тиббиёт ходимлари!
Аввало, ўз ҳаётини инсон саломатлигини асрашдек олижаноб ишга бағишлаб келаётган сиз азизлар – фидойи шифокор ва ҳамшираларни, соҳа фахрийларини касб байрамингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчамиз яхши тушунамизки, эл-юрт саломатлиги – жамиятнинг бебаҳо бойлигидир. Тинчлик ва соғлиқ бўлган жойда албатта ўсиш ва ўзгариш, бахтли ва фаровон ҳаёт бўлади.

Шу маънода, Янги Ўзбекистонимиз эришаётган катта ютуқларда, инсон капитални ривожлантиришда жонкуяр тиббиёт ходимларининг муносиб ҳиссасини эътироф этиб, уларга ҳар қанча раҳматлар айтсак, арзийди.

Азиз дўстлар!
Кейинги йилларда амалга ошираётган кенг қўламли ислохотларимиз туфайли соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда.

Аввало, ажратилаётган бюджет маблағларининг бир неча бор кўпайтирилгани, хусусий сектор ривожига кенг йўл очилаётгани туфайли соҳанинг моддий-техник базаси ва кадр-

лар салоҳияти мустаҳкамланмоқда, хизматлар тармоғи кенгайиб, соғлом рақобат муҳити шаклланиб, сифат ва самардорлик ошмоқда. Диагностика ва даволаш амалиётига илғор замонавий технологиялар фаол жорий этилмоқда.

Барча ижтимоий хизматлар қатори тиббиётни ҳам халқимизга янада яқин қилиш учун малакали даволаш ва профилактика тизимини хонадонларгача олиб кириш чоралари кўрилмоқда.

Шу мақсадда бирламчи тиббий-санитария муассасалари фаолияти янгиланмоқда. Ушбу бўғинда биринчи навбатда касалликларнинг олдини оладиган, уларни келтириб чиқарадиган сабабларга қарши курашадиган механизмларни жорий этиш бошлангани ҳам шундан далолатдир.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишни маҳаллабай, манзилли ва аниқ мақсад асосида таъминлаш бўйича янгича тажриба қўлланмоқда. Тизимда “Электрон поликлиника”, “Электрон рецепт” дастурлари жорий этилмоқда. Бунинг учун патронаж ходим-

лари халқаро стандартлар асосида ўқитилмоқда.

Тез тиббий ёрдам тизими автоматлаштирилган электрон бошқарувга ўтказилиб, хорижда ишлаб чиқарилган 1 000 та махсус замонавий автомобиль билан таъминланди.

Ихтисослашган тиббий хизмат ҳам аҳолига яқинлаштирилмоқда. Бу йўналишда диагностика усуллари 500 дан, даволаш усуллари эса 800 дан ошгани эътиборлидир.

Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида донордан олинган суяк кўмиги ўзак хужайралари трансплантацияси, Кардиология марказида мураккаб эндоскопик жарроҳлик амалиёти йўлга қўйилди.

Миллий тиббиёт маркази шифокорлари томонидан олис туманларда Европадан келтирилган кўчма кардиожарроҳлик мажмуасида мураккаб операциялар муваффақиятли ўтказилмоқда.

Азим пойтахтимизда тиббиёт соҳасидаги ноёб мега лойиҳа сифатида барпо этилган Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология

марказининг янги замонавий мажмуасида сўнгги намунадаги асбоб-ускуна ва шароитлар асосида касалликларни барвақт аниқлаш ва даволаш ҳажми бир неча баробар ошди. Энг муҳими, юртдошларимиз ортиқча вақт ва маблағ сарфлаб, чет элдаги даволаш марказларига бориш ташвишидан қутулади.

Ҳеч шубҳасиз, тиббиёт соҳасидаги ютуқларимиз халқаро миқёсда эътироф этилаётгани барчамизни қувонтиради. Болалар миллий тиббиёт маркази халқаро сертификатни қўлга киритгани, Хирургия марказида халқаро сифат стандартлари жорий этилгани, мамлакатимиз гепатит В га қарши курашишда минтақавий мақсадли кўрсаткичларга эришгани тасдиқлангани шулар жумласидандир.

Албатта, барчамизнинг биргаликдаги меҳнатимиз маҳсули бўлган бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Яқинда давлат тиббий суғурта механизмларини жорий этишга оид қарор имзоланди. Ушбу ҳужжатга қўра, тизим доирасидаги бепул тиббий хизматлар ва дори-дармонлар харажатлари давлат бюджетига

тўланаётган солиқлар ҳисобидан қопланиши белгиланди.

Аҳоли саломатлигига эътиборни кучайтириш орқали инсон қадрини ошириш, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлашга қаратилган бундай муҳим ишларни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.

Мухтасар айтганда, тиббиётни янада халқчил соҳага айлантириш, одамларни ушбу тизимдан рози қилиш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Бу борадаги вазифаларни муваффақиятли адо этишда муқаддас қасамёдига содиқ сиз, заҳматкаш ва олижаноб тиббиёт ходимлари ўзингизни аямасдан, бой билим, маҳорат ва тажрибангизни сафарбар этасиз, деб ишонаман.

Буюк Ибн Сино бобомиз анъаналарининг муносиб давомчилари бўлган сиз, азизларни Тиббиёт ходимлари куни билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, шарафли фаолиятингизда янги ютуқлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

МЕҲНАТИНГИЗ, ҚАДРИНГИЗ –
ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ

Маълумки, ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси юртимизда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари куни этиб белгиланган. Ушбу байрам муносабати билан пойтахтимизда тантанали тадбир бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
ФАРМОНИТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА
ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҶИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҶРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини халқаро андозалар асосида ривожлантириш, соҳада туб ислоҳотлар ва муҳим дастурларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, ўзининг фидокорона меҳнати, билим ва малакаси билан аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини юксалтириш, илғор хорижий тажриба ва даволаш усулларини амалиётга кенг жорий этиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани, юқори касб маҳоратига эга кадрларни тайёрлаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда изжитимой ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали «Соғлом авлод
учун» ордени билан:

Абдурахманов Акрам Абдусаттарович – Республика болалар кам инвазив ва эндозвиуал хирургия илмий-амалий маркази жарроҳи;

Батиров Абдурахман Рузумбаевич – Боёвут туманидаги «Боёвут Тўмарис шифо» масъулияти чекланган жамияти болалар шифокори, Сирдарё вилояти;

Жалолова Хафиза Мухторовна – Поп тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси мудир, Наманган вилояти;

Худайбердиев Кобил Турсунович – Андижон давлат тиббиёт институтининг травматология, ортопедия ва нейрорехабилитация кафедраси мудир, Андижон вилояти.

II даражали «Саломатлик»
ордени билан:

Авезова Гулнора Рустамовна – Республика тез тиббий ёрдам марказининг Навоий вилояти филиали Қизилтепа тумани бўлими бош фельдшер;

Аллакулов Исламбай Мадримович – Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг реанимация бўлими мудир;

Бердиева Муқаддас Хасанбоевна – Шароф Рашидов туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйи ҳамшираси, Жиззах вилояти;

Мауленов Бабараушан Жумабаевич – Шуманай тумани тиббиёт бирлашмаси-

нинг қабул бўлими анестезиолог-реаниматолог, Қорақалпоғистон Республикаси;

Махматмуратова Гулсина Исламовна – Ургут туманидаги «Шароф Рашидов» оилавий шифокорлик пункти умумий амалиёт шифокори, Самарқанд вилояти;

Мемджанова Алия Нуриевна – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиали лаборатория бўлими мудир, Фарғона вилояти;

Назаров Акмал Бобамуротович – Паркент тумани тиббиёт бирлашмасининг жарроҳлик бўлими мудир, Тошкент вилояти;

Саидов Ашур Сапарович – Бандихон туманидаги 44-оилавий поликлиникаси оилавий шифокори, Сурхондарё вилояти;

Сафаров Ориф Мурадуллаевич – Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали офтальмологи, Бухоро вилояти;

Шукуров Абдурахман Раупович – Қарши шаҳри марказий шифохонасининг реанимация бўлими мудир, Қашқадарё вилояти.

«Дўстлик» ордени билан:

Джумабаева Роза Базарбаевна – Бўстонлик туманидаги «Пском» оилавий шифокорлик пункти патронаж ҳамшираси, Тошкент вилояти;

Салахитдинов Шухратжон Нажмитдинович – Болалар миллий тиббиёт маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари – бош шифокори;

Сметова Гулнар Жолдасбаевна – КеҶейли туманидаги «Ақтуба» оилавий шифокорлик пункти умумий амалиёт шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси;

Хақимова Соҳиббахон Обиджановна – Андижон туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун эркалар интернат уйи кичик тиббий ходими, Андижон вилояти;

Хлевная Елена Андреевна – Гулистон шаҳри кўп тармоқли марказий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори, Сирдарё вилояти;

Шамсиев Азамат Мухитдинович – Самарқанд давлат тиббиёт университетининг болалар хирургияси кафедраси профессори.

«Соғлом турмуш» медали билан:

Артикова Хулкар Акрамовна – Галлаорол тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси патронаж ҳамшираси, Жиззах вилояти;

Намозова Муниса Саломовна – Фозгон шаҳри тиббиёт бирлашмаси тиббий бригада ҳамшираси, Навоий вилояти;

Ниязова Дилорам Аскарловна – Тошкент шаҳридаги 2-болалар жарроҳлик клиник шифохонасининг жарроҳлик бўлими катта ҳамшираси;

Ужарова Дилбар Хуррамовна – Ҷузор туманидаги «Қовчин» оилавий шифокорлик пункти шифокори, Қашқадарё вилояти;

Хусанова Норбегим Ривожовна – Пахтачи тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимининг эпидемиология ва иммунопрофилактика бўлими мудир, Самарқанд вилояти;

Ҳамдамова Мухайёхон Тўхтасиновна – Бухоро давлат тиббиёт институтининг акушерлик ва гинекология кафедраси профессори, Бухоро вилояти;

Ҳомиджоновна Рано Жияновна – Сўх

туманидаги «Ленбуру» оилавий шифокорлик пункти ҳамшираси, Фарғона вилояти.

«Шухрат» медали билан:

Жумабоев Отабек Тоштемирович – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Андижон филиали жарроҳи, Андижон вилояти;

Қобилов Ботир Закирович – Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах филиали хирургия бўлими мудир, Жиззах вилояти;

Мусаев Улўғбек Эргашалиевич – Мингбулок туманидаги «Med Layt» хусусий клиникаси раҳбари, шифокор-терапевти, Наманган вилояти;

Султанова Зулфия Раджабаевна – Тупроққалъа туманидаги «Саримой» оилавий шифокорлик пункти патронаж ҳамшираси, Хоразм вилояти;

Тангирбергенов Рустам – Республика тез тиббий ёрдам маркази Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг Беруний тумани бўлими ҳайдовчиси;

Тиллабоев Содиқжон Валиевич – Фурқат тумани тиббиёт бирлашмасининг қабул бўлими жарроҳи, Фарғона вилояти;

Шарипов Исламжан Маматханович – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг кам инвазив юрак-кон томир жарроҳлиги бўлими мудир;

Шарипова Раъно Рустамовна – Сарисий туманидаги «Гулистон» оилавий шифокорлик пункти патронаж ҳамшираси, Сурхондарё вилояти;

Ярматов Алишер – Ўзбекистон халқ таботати ассоциацияси аъзоси, Самарқанд вилояти.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

ВАЗИР ТАШРИФИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Соғлиқни сақлаш вазири вазифасини бажарувчи Асилбек Худаяров Сирдарё вилоятига ташриф буюрди.



Ташриф мобайнида Гулистон тиббиёт кластерида ҳам бўлиб, яқинда фойдаланишга топширилган Диагностика бўлими фаоли-

ятини кўздан кечирди. 2025 йилда фойдаланишга топширилиши кўзда тутидган 5 қаватли, 3 та блокдан иборат да-

волаш бўлимининг қурилиш жараёни билан танишиб, аҳамият қаратилиши лозим бўлган масалалар юзасидан кўрсатмалар берди. Шундан сўнг, вазир Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиалида, рентгенэндоваскуляр жарроҳлик бўлимида бўлди.

Шу ерда Мирзаобод туманининг Баҳористон маҳалласидан ташриф буюрган 65 ёшдаги бемор, Абдуҳаким Мансуров ҳамда юрак ишемик касаллиги, кучайтирувчи стенокардия ташхиси билан ётган Турсинкул бобо Бегбўтаев билан учрашиб уларнинг соғлиқ билан боғлиқ муаммосини тинглади.

Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот хизмати



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

МАҚСАДЛАР ЗАМИРИДА – ИНСОНЛАР САЛОМАТЛИГИ МУЖАССАМ

Касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган маъқул. Шу боис ҳам Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, бошқарма тизимидаги даволаш профилактика муассасаларида замонавий технологияларга асосланган ташхислаш ва даволаш услубларини жорий этилаётгани, юрак, буйрак, хуллас инсон тана аъзолари билан боғлиқ юқори технологияли амалиётларни ўтказиш, инсонларни умр кўриш давомийлигини узайтиришда муҳим қадамлардан бири бўлмоқда.

– Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш соҳасига бўлган эътибори туфайли бирмунча мураккаб, шу вақтга қадар хорижий давлатларда ва пойтахтдаги ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида амалга оширилиб келинган юқори технологияли даволаш усуллари Сирдарё вилояти, унинг олис ва чекка ҳудудларида ҳам йўлга қўйилмоқда. Бу эса, соғлиқда муаммоси бор, даволашнишга муҳтож беморларга юқори технологияли ташхислаш, даволаш хизматларини кўрсатиш имконини бермоқда, – дейди Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, эндоваскуляр хирург Хуршид Ҳакимов. – Энг муҳими, илгарилари, сирдарёлик беморлар бу турдаги амалиётлар учун нафақат республика ихтисослаштирилган муассасаларга, хорижга боришган бўлса, эндиликда бунга ҳожат қолмапти. Мисол

тешиги чурраси билан боғлиқ лапароскопия, тизза бўғими остеоартрозини артроскопия усулида бартараф этиш, Республика шойилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиалида эса ретроград эндоскопик панкреатохолангиография амалиёти ҳам йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, ўт тош касаллигининг мураккаб шакллари билан касалланган 10 нафар беморда юқори технологик амалиётлари бажарилиб, уларнинг саломатликлари тикланди.

Кувонарлиси, мазкур муас-

шошилинч тез тиббий ёрдамга муҳтож беморга дастлабки "олтин соат" ичида, яъни 6,10 соат ичида юрак коронар қон томирлар, уйқу артериясида ва оёқ сон артерияларида юқори технологик текширувларни ўтказиш, қолаверса, рентгенэндоваскуляр жаррохлик амалиёти орқали заруратга қараб беморларнинг юрак-қон томири ва уйқу артериясида ангиопластика ва стентлаш амалиётларини ўтказишга эришилди.

Буларнинг ҳаммаси давлатимиз раҳбарининг соғлиқни



ган давр мобайнида аҳолининг маълум қатламга йўналтирилган мақсадли тиббий кўриклар ўтказилди. Бу эса аҳолининг саломатлик кўрсаткичларини яхшиланишида бош омил бўляпти, – дейди Сирдарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг даволаш ишлари бўйича биринчи ўринбосари Юсуф Мирхонов. – Бунда ҳудудларда ўтказилаётган аҳолини саломатлик кўрсаткичини яхшилаш, умр кўриш давомийлигини узайтиришга қаратилган саломатлик акцияларининг ўрни ниҳоятда катта бўлмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрда "Соғлиқни сақлаш тизimini ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизларини

Сирдарё вилоя-

тида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан давлат тиббий суғуртаси механизлари билан боғлиқ ишлар республикада биринчилардан бўлиб Сирдарёда жорий этилгани беморларни муассасада даволанган ҳолатини, соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган маблағларни мақсадли ишлатилганини назорат қилиш имконини бермоқда. Қолаверса, давлат тиббий суғуртаси механизлари доирасида сурункали касалликларга чалинган беморларга алоҳида эътибор қаратилиб, улар учун зарур бўлган дориларнинг бир қисми бепул бериллаётгани тиббиётдаги ислохотларнинг узвий давоми бўлди. Бу эса, тиббий хизмат тури камрови ва қўламни ошишида жуда қўл келмоқда.

Ғулом ПРИМОВ,
Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот хизмати котиби



сақлаш тизимига бўлган эътибори, соҳа ходимлари учун яратиб берилган кенг имкониятлар самарасидир. Бу эса, ўз навбатида, тиббиётни беморларга яқинлаштириш баробарида аҳолининг соғлиқни сақлаш тизимига ишончи ортишига хизмат қилмоқда.

Энг асосийси, Сирдарёда соғлиқни сақлаш соҳасида аҳолини саломатлигини тиклаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида муҳим қадамлар ташланмоқда. Кувонарлиси, бунинг барчаси инсон қадрини, унинг саломатлиги учун. Кувонарлиси, бунинг барчаси инсон қадрини, унинг саломатлиги учун. Бу борадаги ишни ташкил этишда, бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари, у ерда ишлайдиган оила шифокори бошчилигидаги тиббий бригада аъзоларнинг ўрни катта. Чунки, улар иштирокисиз 146 турдаги касалликка

ташхис қўйиш ва даволаш, 213 турдагисига бирламчи диагноз қўйиш ва йўлланма бериш, реабилитация, диспансеризация ва профилактика бўйича жуда кўп вазифаларни биргина амалиёт шифокорининг ўзи уddалай олмайди. Бу ишларни ташкил этиш, тор доирадаги мутахассислардан кўра, бирламчи бўғинда ишлайдиган соҳа ходимларидан куч, маҳорат, тажриба талаб этади.

Сўнги пайтларда аҳоли орасида юрак қон-томир касалликлари, сурункали нафас йўли касалликлари, гипертония, эндокрин тизими ва бошқа хавфли касалликлар билан касалланиш кўрсаткичи бошқа вилоятларда бўлгани каби Сирдарёда ҳам ошиб бормоқда. Ўлим кўрсаткичи ҳам айнан ана шу касалликка чалинган фуқаролар орасида кузатиляпти.

– Касалликлар профилактикасига қаратилган фаолиятимиз жорий йилда янада кенг миқёсда намоён бўляпти. Ўт-



учун айтганда, Сирдарёда буйрак трансплантацияси билан боғлиқ ўтказилган амалиётлар сони 19 дан ошган бўлса, юрак қон томирларида муаммоси бор бўлган 4108 нафар беморда стентлаш ва коронариграфия амалиёти, чанок-сон суягининг емирилиши билан боғлиқ юқори технологик тотал эндопротезлаш амалиёти 250 дан ошди. Ва шу билан бирга, кизилўнғач диафрагма

сасага Жаҳон банки Шойилинч тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармасининг 530 минг АҚШ доллар миқдоридаги маблағи ҳисобига энг сўнги русумдаги ангиография аппарати келтирилди. Бу эса, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Сирдарё вилоят ҳудудий филиалида бўлганидек, юрак коронар қон томирларида муаммоси бор,

ЗАХИРА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий бошқарув соҳасидаги кенг қамровли трансформация негизлари, алоҳида йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 8 августдаги ЎРҚ-788 “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да, 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158 сонли “Ўзбекистон-2030 стратегияси тўғрисида” Фармонида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга хос вазифалар ҳам белгиланган.



ТАЪЛИМДАГИ МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАНИ УЙҒУНЛАШТИРИШ


Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизимининг кенг қамровли трансформацияси тамойилларига жавоб берувчи раҳбар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва сифатли узлуксиз касбий таълимни ташкиллаштириш механизмларини яратиш ва жорий этиш бўйича Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг “Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш” кафедраси 2019-2024 йиллар давомида тизимли фаолият олиб бормоқда. Жумладан, соғлиқни сақлаш вазирлиги ти-

халқаро тажрибани таълим жараёнига киритиш йўналишида ҳам олиб борилмоқда. Ўзбеки-

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказини (ТХКМРМ) “Жа-

ча машгулотлар ТХВУ вакиллари томонидан ўтказилиши кўзда тутилган. Мазкур интеграцион 306

ҳамда Вестминстер Университети ва ТХВУ ўртасидаги глобал соғлиқни сақлаш бўйича академик куратор — др. Teddy Seyoum иштирок этган. Музокараларнинг бирламчи натижасида сифатида ТХКМРМ ва ТХВУ ўртасида 2024 йил 27 сентябрь куни МНВ 09/24 сонли шартнома имзоланган. Мазкур шартномага биноан томонлар 2024/2025 ўқув йили давомида соғлиқни сақлаш вазирлигининг раҳбар ходимлар стратегик захираси дастури бўйича ўтказиладиган 4 та 306 кредитлик «Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиқни сақлаш» ихтисослаштириш ин-



теграцион циклларида ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқарув органлари томонидан тақлиф қилинган номзодлар ичидан бирламчи саралаш натижасида ажратиб олинган 120 нафар мутахассисларни таълим олиши режалаштиришган. Жумладан, 2024 йил 7 октябрдан 30 ноябргача даврида ўтказилаётган биринчи циклда 30 нафар ҳудудлар вакиллари - тингловчилар таълим олишмоқда.

зимда раҳбар ходимларни стратегик захирасини шакллантириш механизмлари 2019 йилдан амалиётга жорий этиб келинмоқда. Бунда ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқарув органлари томонидан киритилган номзодлардан бирламчи саралашдан ўтганлари махсус 306 кредитли “Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиқни сақлаш” бўйича ихтисослаштириш ўтадилар. Тингловчилар таълим даврида машгулотлар билан бир қаторда махсус тайёргарликдан ўтадилар, бошқарув, таҳлил, тиббий статистика, командада ишлар асосларини ҳамда соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини амалий ўргандилар. Циклни муваффақиятли яқунлаган ва соғлиқни сақлаш вазирлигининг комиссияси суҳбатидан ўтганлар вазирликни раҳбра ходимлар стартегик захирасига киритилдилар. Мазкур жараёни такомиллаштириш илғор

стон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими учун “Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиқни сақлаш” мутахассислиги бўйича дипломдан кейинги таълим йўналишида қўшма ўқув дастурларни ҳамда илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадида 2023 йил 6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Ҳамкорлик меморандуми ижросини ташкиллаштириш учун Соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил 28 мартдаги 101-сонли буйруғи қабул қилинган.

Тошкентдаги халқаро Вестминстер университети (ТХВУ) билан қўшма дастур ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорлик 2023-2024 йиллар давомида олиб борилмоқда. Ҳамкорликнинг биринчи натижаси сифатида



моат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш” кафедраси ва ТХВУ томонидан 306 кредитлик «Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиқни сақлаш» ихтисослаштириш интеграцион курсининг ўқув дастури ишлаб чиқилди ва 2023 йил 29 ноябрда 5/34 ИХТ рақами билан рўйхатга олинди. Қўшма дастурнинг 36 кредитлик «Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқаро тажриба» модули бўйи-

кредитлик ихтисослаштириш цикли дастурини жорий этиш, қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш масалалари томонлар ўртасида 2024 йил 21 май, 28 август, 8 октябрь кунлари ўтказилган музокараларда кўриб чиқилган. Музокараларда ТХКМРМ раҳбарияти, «Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш» кафедраси ходимлари ҳамда ТХВУ томонидан: курс лидерлари, кафедра мудирилари, профессионал таълим бошқарувчиси

Ушбу циклнинг 36 кредитлик модули 2024 йил 21-26 октябрь кунлари Тошкент халқаро Вестминстер университетида ўтказилди.

Валихон ҲАКИМОВ,
Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази “Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш” кафедраси доценти.

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Шуни мамнуният билан эътироф этиш лозимки, кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ халқ турмуш фаровонлигини юксалтиришда юқори натижалар қайд этилмоқда. Айниқса, ижтимоий соҳани ривожлантиришга устувор аҳамият берилляпти. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизими фаолиятида ҳам беқиёс ўзгаришлар юзага келмоқда. “Тиббиётдаги ислоҳотлар – инсон қадри учун!” шиори остида кечаётган жадал жараёнлар туфайли соҳада муттасил ижобий натижалар қайд этилмоқда. Тиббиёт ходимлари қуни арафасида Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдулҳоди ИМИНОВ билан мулоқотимиз шу ҳақда кечди.

– Абдулҳоди Муҳидинович, бугунги тиббиёт кечагисидан тубдан фарқ қилади. Даволаш–профилактика ишлари мутлақо янги босқичга кўтарилган. Соҳага янги инновациялар татбиқ этилмоқда. Моддий–техник имкониятлар тобора равнақ топаётти. Сухбат аввалида шу тўғрида фикрлашсак.

–Албатта, тиббиётда ислоҳотлар кизгин бормоқда. Бу, давлатимиз раҳбарининг соҳага алоҳида эътибори ва халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига устувор аҳамият қаратаётганлиги туфайли, десак ҳақ гапни айтган бўлаемиз. Соғлиқни сақлашда рўёбга чиқарилаётган муҳим янгиланишлар Президентимизнинг йўл–йўриқ ва кўрсатмалари амалда ўз натижасини яққол кўрсатаётганидан далолат беради. Соҳа ходимлари зиммадаги бурч ва масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда элимизга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш учун астойдил изланмоқдалар. Айни маҳалда давлат тиббиёт муассасаларида иш олиб бораётган 5 минг нафардан зиёд шифокорлар, 30 минг нафардан ортик ҳамширалар, кўп сонли мутахассислар ва кичик тиббиёт ходимлари ана шу эзгу мақсадни дилларига жой қилганлар.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш соҳамизнинг энг олий вазифасидир. Бунга эришиш учун бор куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Шу билан бирга хизмат даражасини юксалтиришга қаратилган интилишларимиз кўлами ҳам ортиб бормоқда. Айниқса, тизим моддий–техник имкониятларини замон талаблари асосида такомиллаштириш диққатимиз марказида турибди. Жорий йилнинг ўзида Инвестиция дастури бўйича 65 миллиард сўмдан ортик бюджет маблағлари ўзлаштирилиши ҳисобига қайта таъмирланган ва янгидан қуриб битказилган тиббиёт масканлари аҳолига катта қулайлик яратди. Республика травматология ва ортопедия илмий–амалий тиббиёт маркази Наманган филиали биносининг фойдаланишга тоширилиши, мазкур муассасани юқори сифатли хорижий тиббиёт анжомлари билан жиҳозлаш учун 10 миллион евро миқдорда маблағ йўналтирилаётганлигининг ўзиёқ соҳа тараққийнинг изчиллигидан далолат беради.

– Шу ўринда кадрлар салоҳиятини юксалтириш борасидаги саъй–ҳаракатлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

– Албатта, татбиқ этилаётган янги технологиялар, инвестициялар ва инновацияларни

амалиётга татбиқ этувчилар – малакали тиббиёт кадрларидир. Шунинг учун ҳам уларнинг билим ва малакасини, касбий маҳоратини ошириш масаласи ҳамisha муҳим аҳамиятга эга. Бу борада тизимли ишлар

лаштирилган тиббий кўриклар ўтказишмоқда. Хонадонма–хонадон кирилиб, юртдошларимизга манзилли тиббий хизмат кўрсатилаётти. Жорий йилнинг ўзида скрининг текширувларида аниқланган онкологик, эндо-

ЭЛ СОҒЛИҒИ ЮРТ БОЙЛИГИ

йўлга қўйилган. Биринчидан, республикамиз етакчи тиббиёт муассасалари тажрибали мутахассислари иштирокида ўқувлар ташкил этилмоқда. Жорий йилнинг ўзида юзлаб шифокорнинг билим ва тажрибаси бойитилди. Бундан ташқари ўнлаб вакилларимиз Туркия, Озарбайжон, Россия Федерацияси ва Беларусь давлатларига малака ошириш учун юборилди.

– Дарҳақиқат, бирламчи тизим имкониятларини янада кенгайтириш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини яхшилашда ҳам катта ўзгаришларни кўриб турибмиз. Қуйидан бошланган астойдил ҳаракатлар ўзининг қувончли самараларини бермоқда.

– Худди шундай. Жорий йилда бирламчи тиббий–санитария ёрдами муассасалари ишини тубдан яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Бугунги кунда вилоятда 14 та кўп тармоқли марказий поликлиника, 101 та оилавий шифокорлик пункти одамлар энг кўп мурожаат этадиган муассасалардир. Аниқроғи, халқ саломатлигини янада яхшилашга эришиш учун, аввало, мана шу бўғиннинг янада самарали ишлашнинг таъминлаш зарурлигини инобатга олиб, таянч нуқталаримиз фаолиятини янги босқичга кўтариш чора–тадбирлариниларини кўрмоқдамиз.

–Аслида, ихтисослаштирилган даволаш–профилактика муассасалари ходимларининг аҳоли ўртасидаги фаолияти ҳам мазкур бўғин иши билан узвий боғлиқ–да.

– Тўғри айтдингиз. Бирламчи бўғин билан биргалликда онкологик, эндокринологик ва юрак–қон томир касалликларининг олдини олишни таъминлаб борилаётти. Вилоятдан сафарбар этилган саломатлик посбонлари худудлардаги тиббий бригадалар билан ҳамкорликда чуқур-

кринологик ва юрак–қон томир хасталикларини даволаш учун зарур чоралар кўриб келинмоқда.

– Оналик ва болалик муҳофазасига қаратилган ишлар кўлами ҳам кенгайиб бораётганлигини рақамлар яққол тасдиқлаб турибди.

– Бу масала доимо муҳим аҳамият касб этади. Зеро, оналар соғлиғи, келажагимиз вори-сларининг баркамол улғайиши



миллатимизнинг эртаси учун ўта муҳимдир. Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий–амалий тиббиёт марказининг вилоятимизда филиали, худудларда перинатал бўлимлари очилган. Бу масканлардаги саъй–ҳаракатлар соғлом авлодни дунёга келтириш, оналар ва чақалоқлар саломатлигини таъминлашга қаратилгандир. Шу билан бирга репродуктив саломатлик тарғиботи, “Соғлом ҳомиладорлик–соғлом келажак” тадбирлари йўлга қўйилган.

–Кўряпмизки, кейинги йилларда яратилган кенг имкониятлар боис давлат тиббиёт муассасалари билан биргалликда хусусий тиббиёт шохобчалари тармоғи ҳам ривожланмоқда. Бу, шубҳасиз, аҳолига янада қулайлик туғдирмоқда.

– Бу тенденцияни вилоятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Шу йилнинг ўзида 23 та нода-



влат тиббиёт муассасаси очилди. Улар сони бугунга келиб салкам 600 тани ташкил этмоқда. Қолаверса, тиббий хизматлар сифати

–Энди энг муҳим янгилик–давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этишга тайёргарлик қандай бораётганлигига тўхталсангиз.

–Тиббиётнинг келажаги давлат тиббий суғуртаси механизмларини татбиқ этиш билан боғлиқ. Давлатимиз раҳбарининг бу ҳақда тегишли қарори қабул қилинган. Вилоятимизда ҳам янги шароитда хизмат кўрсатишга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга худудларда давлат тиббий суғуртаси шароитида ишлашнинг мазмун–моҳияти, аввало, тиббиёт ходимларининг ўзлари-



ўсиб, кўлами ҳам анча кенгайди.

га батафсил тушунтирилмоқда. Беморларга мақсадли ва манзилли тиббий хизмат кўрсатишда тиббий суғуртанинг ўзига хос устун жиҳатлари бор.

–Узоқ умр кўришнинг муҳим шарти соғлом ҳаёт кечиршидир. Сухбатимиз якунида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасидаги фаолият ҳақида тушунча ҳам бериб ўтсангиз.

–Мамлакатимизда “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” умуммиллий ҳаракати жорий қилинган. Маҳаллаларда “Саломатлик мактаблари” очилган. Аҳолининг жисмоний фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар доимийлиги таъминланмоқда. Худудларда соғломлаштириш тармоқлари кенгаймоқда. Пировардида одамлар тасаввурида ўз саломатлиги учун қайғуриш, носоғлом одатлардан тийилиш, бўш вақтни жисмоний тарбия ва спортга сарфлаш гоят фойдали эканлиги ҳақида керакли тушунчалар пайдо бўлади. Бу жуда катта омил.

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Сизни ва сиз орқали кўп минг сонли вилоятимиз тиббиётчиларини касб байрами билан қутлаймиз. Халқимиз саломатлигига эришишга қаратилган эзгу ишларингизда янада янги мувафакиятлар ёр бўлишини истаб қоламиз.

Абдулла ҒОЗИЕВ,
“Шифокор ва ҳаёт”
газетасининг муҳаррири.

ЭЗГУЛИКНИНГ ИБРАТЛИ МАНЗИЛЛАРИ

*Дунёда шундай инсонлар борки,
улардаги эзгу фазилатлар, қолаверса,
камтарин ва самимийликлари инсон
қалбига кўтаринки кайфият бағишлайди.
Улар билан ўтириб суҳбатлашган
сари суҳбатлашгинг келаверади.*

“Инсон умри абадий эмас! Лекин у абадийликка интилади”, деган эди немис олими Рихтер.

Ҳақиқатда шундай, наботот дунёсининг ҳукмдори бўлмиш, биз инсонлар ҳам гарчи ўзимиздан тожу-тахт ва тугалмас бойлик қолдира олмасакда, лекин, яхши ном келгуси авлод қалбида яхши калом қолдиришга ҳаракат қиламиз. Шу ўринда бир савол туғилади: инсон умри нима билан гўзал ва безаклидир? У ўзининг жамики нодир ишлардан тортиб, яратган сиймосигача гўзалликка бурканган бўлади. Ваҳоланки, вақт олий ҳакам экан, умр эса

халқимиз орасида “Умр мазмуни” деган шох сатрларда битилади. Унинг устидан беихтиёр сирли қаламлар, сирли рақамлар, олис-олисдан сўйлагандай бўлиб



vivo V27e
27 May 2024 г., 09:57



vivo V27e
27 May 2024 г., 10:16

МАКТАБИМИЗ ФАХРИ



унинг сарҳисобчиси. Умрнинг ҳар бир они ғанимат ва бебаҳодир. Бинобарин, биз учун ғанимат бўлган инсонлар дунёси ниҳоятда бой, боғу роғлару гул кўчатларга лимо-лим мовий салтанат кўзгусига айланиб келган. Ана шундай силсилавор умр

кўринаверади. Зеро, ҳар бир инсон ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиб, эзгу фазилатлар билан яшашига нима етсин!

Зеро, биз бугун юқоридаги фикрлар ила эътироф этмоқчи бўлган инсонимиз дунё тиббиёт илмида катта мактаб яратган

олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги, шунингдек, Европа Респиратор жамияти фахрий аъзоси (Париж), Халқаро сил ва ўпка касалликларига қарши кураш иттифоқи аъзоси (Париж), Нью-Йорк фанлар академияси академиги, “Интер-астма Россия – МДХ жамияти” бошқарув аъзоси (Москва ш), Россия Фанлар академияси доктори (Москва ш), Ўзбекистон пульмонологлар жамияти раиси (Тошкент ш),



лиятли меҳнатларига берилган юксак эътирофидан биз ҳам мамнун бўлдик. Устоз беихтиёр сўз бошлаб, Юртбошимиз томонидан совға қилинган телевизорни ўзим таҳсил олган Олмазор туманидаги Лал Баҳодир Шастри номидаги 24-умумтаълим мактабига совға қилдим дедилар. Шу кун билан ушбу мактабга ташриф буюрдик. Аввало, мактаб директори қабулида бўлдик. Улар билан ҳам суҳбатлашдик. Сўнгра маънавият ва маърифат хонасига кирар эканмиз, бизни мактабнинг маънавият ва маърифат бўйича директор ўринбосари Нилуфар Бахриддинова кутиб олди. Устоз жуда хурсанд эдилар. Чунки, мактабга тақдим қилинган совғалари яъни телевизор Маънавият ва маърифат хонасида жойлаштирилган бўлиб, академик Абдулла Муҳаррамовичнинг ҳаёт ва фаолиятларига бағишланган кўргазма ташкил қилинганлигини ҳам гувоҳи бўлдик. Шу билан бирга, устоз мактаб жамоасига Бухорийнинг тўрт томли китобларини тақдим этган эканлар. Мактаб директори ва ўринбосарлари билан суҳбатда бўлар эканмиз, улар академик Абдулла Убайдуллаевнинг мактаб жамоаси ўқувчилари учун тақдим қилган кимматбаҳо совға ҳамда маънавият ва маърифат хонасини қайта таъмирлашда ўз ҳиссаларини қўшганликларини айтиб ўтишди.

Устоз билан синф хоналарини айланар эканмиз, улар таҳсил олган хоналар, таълим берган устозлар ҳамда болаликнинг шодон даврлари ўтган мактаб ҳовлисига боқиб, ажойиб даврларни эсга олдилар. Таълим мактанидан қайтар эканмиз, устоз мактаб жамоасига ўзларининг кимматли маслаҳатларини бериб, уларнинг ёш авлодга билим беришдек шарафли ишларига омадлар тиладилар.

Хулоса ўрнида айтиш жозикки, академик Абдулла Убайдуллаевнинг бу каби ибратли ишлари ёшларимизнинг билим олишлари ва ватанимиз равнақи йўлида астойдил хизмат қилишларида муҳим ўрин эгаллашига ишончимиз комил.

Ибодат СОАТОВА,
журналист

рамович 10 йил таълим олган мактабларини, яъни ўқувчилик даврларини ва устозларини мамнунлик билан тилга олдилар ҳамда суҳбатимизга ҳамроҳанг тарзда фахр ила 2024 йил Янги йил олди Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Янги йил табриги йўлланганлигини, шу билан бирга эсдалик совғалари ва телевизор тақдим этилганлигини хурсанд бўлиб гапирдилар. Устознинг қўлларида Президентимиз томонидан йўлланган табрикка кўзим тушди. Табрикда Давлатимиз раҳбарининг қуйидаги дил сўзлари битилган эди.

“Эл-юртимиз Сизни кўп йиллик фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти, олижаноб фазилатлари билан мамлакатимизда муносиб обрў эътибор қозонган, катта билим ва тажрибага эга, фаол ва ташаббускор, жонқуяр инсон сифатида яхши билади ва юксак қадрлайди. Сиз ўз фаолиятингиз давомида Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиб, бугунги кунда ҳам Янги Ўзбекистонда “Учинчи Ренессеанс” пойдеворини бунёд этишдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшиб келаятиганингизни барчамиз миннатдорлик билан эътироф этамиз. Сизнинг жоннажон юртимизда тинчлик ва осойишталикни жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, инсон қадрини улуғлаш, ёш авлодимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган самарали фаолиятингиз доимо бардавом бўлсин”.

Ҳа, албатта, бу академик Абдулла Муҳаррамовичнинг кўп йиллик машаққатли ва масъу-

Марказий Осиё пульмонологлар Ассоциацияси Вице – Президенти (Тошкент ш), Евро Осиё пульмонологлар Ассоциацияси Элект – Президенти **Абдулла Муҳаррамович Убайдуллаевдир.**

Кун кеча устозимиз тахририятимизга ташриф буюрдилар. Биз улар билан узоқ суҳбатлашдик. Ҳа, 90 ёшни қарши олишни ўзи бўлмайди. Устоз айна кунда 90 ёшдалар. Лекин, фаолиятларини ҳамон давом эттириб келмоқдалар. Суҳбатимиз давомида академик Абдулла Убайдуллаев авваломбор, ёшликларини ва оиладаги муҳитни, шунингдек, уларнинг бугунги кунда мана шундай табаррук ёшга етиб, комил инсон бўлишларида ота ва оналарининг бекиёс ҳиссалари борлигини эътироф этдилар. Бу тўғрида узоқ суҳбатлашдик. Устоз ўз мутахассисликлари бўйича эришган ютуқлари, илмий салоҳият борасидаги изланишлари, оилалари, қолаверса, қалбларига яқин инсонлари тўғрисида тўлқинланиб гапирдилар. Шу орада Абдулла Муҳар-

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

МЕХНАТИНГИЗ, ҚАДРИНГИЗ – ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ

◀ Давоми. Боши 1-бетда



Маълумки, ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси юртимизда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси

ходимлари куни этиб белги-ланган. Ушбу байрам муносабати билан бугун тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўз ҳаётини инсон саломатлигини асрашдек олижаноб ишга бағишлаб келаётган тиббиёт ходимларига табриги ўқиб эшиттирилди.

Қутловда Янги Ўзбекистон эришяётган катта ютуқларда, инсон капиталини ривожлантиришда жонқуяр тиббиёт ходимларининг муносиб хиссаси эътироф этилиб, кейинги йилларда амалга ошираётган кенг қўламли ислохотлар туфайли соғлиқни сақлаш тизимида юз бераётган туб ўзгаришлар қайд этилган. Тиббиётни янада халқчил соҳага айлантириш, одамларни ушбу тизимдан рози қилиш масаласи доимо давлатимиз эътибори марказида бўлиши таъкидланган.

Шунингдек, Президентимиз фармони билан ибратли фаолия-



ти учун соҳа ходимларидан бир гуруҳи орден ва медаллар билан мукофотланган эди. Тадбирда ушбу юксак мукофотлар Тошкент шаҳри ҳокими Ш.Умурзоқов ва соғлиқни сақлаш вазири

вазифасини бажарувчи А.Худаяров томонидан ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

Тадбир сўнггида халқимиз севган санъаткорлар ижросида концерт дастури намойиш этилди.

ФАОЛИЯТЛАРГА МУНОСИБ РАҒБАТ



Тиббиёт ходимлари куни муносабат билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги биносида бир гуруҳ соҳа фидойиларини тақдирлашга бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазири вазифасини бажарувчи А. Худаяров кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида фаолият олиб бораётган кўп сонли тиббиёт ходимларини

касб байрамлари билан самимий қутлаб, муборакбод этди. Таъкидлаш муҳимки, кейинги пайтларда соҳада туб ўзгаришлар бўлиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланиб, халқимиз бу каби

эътибор ва ғамхўрликдан мумнун бўлишмоқда. Шундай экан, албатта бу борада ўзларининг фидойи меҳнатлари билан элимиз дуосига мушарраф бўлаётган шифокору

ҳамшираларнинг хизматлари беқиёс эканлигини кўришимиз мумкин. Бунинг ифодаси сифатида айтишимиз жоизки, Ўзбекистон тиббиётининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни кундан кунга ошиб бормоқда.

Бўлиб ўтган мазкур тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги бир гуруҳ соҳа ходимлари “Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочили” кўкрак нишони билан тақдирланди. Муносиб рағбатларни Соғлиқни сақлаш вазири вазифасини бажарувчи А.Худаяров тантанали равишда топширди.

Мукофотланганлар бундай эътибор ва эътирофдан мамнун бўлиб, ўз мамнунликларини изҳор этдилар.

СОҲА ХОДИМЛАРИГА ЭЪТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикасида “Тиббиёт ходимлари куни”га бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси Раиси А.Оринбаев иштирок этиб, соҳа ходимлари ва фахрийларни касб байрами билан табриклади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида “Тиббиётдаги ислохотлар инсон қадрини учун!” деган ғоя остида кенг қўламли эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, ўтган қисқа давр мобайнида соҳага доир қатор фармон ва қарорлар қабул қилингани, замонавий тиббиёт муассасалари барпо этилгани ва соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб борилаётгани,



тиббиёт муассасаларини ма-лакали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, жорий йилнинг август ойида Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифи давомида

Республика шошилинич тиббий ёрдам марказининг янги биносида бўлиб, соҳа вакиллари билан учрашиб, мулоқотлар олиб борганлиги, ушбу даволаш муассасасида илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этиш бўйича таклиф билдирган-



ни, шунингдек, келгуси йилда Қорақалпоғистонда ижтимоий соҳа, инфратузилма учун 1 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратиш ва шу жумладан, 7 та тиббиёт муассасасини янгидан қуриш бўйича аниқ вазифалар белгилаб бергани халқимизга

бўлган юксак эътибор ифодасидир.

Тадбирда байрам муносабати билан соҳа фидойиларига фахрий унвонлар, кўкрак нишонлари, фахрий ёрликлар топширилди.

ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Эътироф билан айтишимиз жоизки, кейинги йилларда мамлакатимиз тиббиёт тизимида катта ўзгаришлар бўлиб, фаолиятлар янада такомиллашиб бормоқда.

Айниқса, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда кадрлар малакисини ошириш, шунингдек, узлуксиз профессионал таълим ва бошқарув бугуннинг муҳим талабларига айланаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Ана шундай, муҳим талабларни ошириш мақсадида Ҳукуматимизнинг Қонун ва Қарорлари қабул қилиниб, мазкур ҳужжатларнинг ижроси бўйича Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизимининг кенг қамровли трансформацияси тамойилларига жавоб бера оладиган раҳбар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва сифатли узлуксиз касбий таълимни ташкиллаштириш механизмларни яратиш бўйича Тиббиёт ходимларининг

бул қилинган. Ҳамкорликнинг биринчи натижаси сифатида кафедра ҳамда Университет томонидан 306 кредитлик "Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлигини сақлаш" ихтисослаштириш интеграцион курси

лиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Фаррух Шарипов кириш сўзи билан очиб, аввало, мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган фаолиятларга кенг урғу қаратиб, соҳанинг ҳар бир йўналишида бўлаётган янгиликларга катта эътибор қаратди, шунингдек, мазкур курс тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтди. Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз зарурки, вазир ўринбосари ушбу курс "Ўзбекистон-2030" та-




узлуксиз таълим дастури доирасида мутахассислар малакасини оширишга қаратилганлигини алоҳида таъкидлади. Бундан асосий мақсад, раҳбар кадрлар стратегик захирасини шакллантиришдан иборат эканлигига ҳам аърофлича тўхталди. Сўнгра Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг "Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш" кафедраси профессори Дамин Асадов ҳам сўзга чиқиб, 36 кредит соатлик курс "Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат саломатлигини сақлаш" ихтисослиги бўйича интеграциялашган 306 соатлик курснинг ажралмас қисми ҳисобланишини шу билан бирга у Соғлиқни сақлаш вазирлигининг стратегик раҳбар ходимлари захирасини яратиш, профессионал бошқарувчилар тўпламини шакллантириш мақсадида, ишлаб чиқилган ва жорий этилганлигини айтиб ўтди. Шунингдек, ушбу ташаббусдан қўзланган асосий мақсад, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими учун инновацион ёнда-

талабларига жавоб бера оладиган бошқарув ходимларининг стратегик захирасини яратишдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлади. Сўнгра, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Баҳром Мирқасимов ҳам мазкур ҳамкорликдаги фаолиятларга алоҳида тўхталиб, "Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлигини сақлаш" мутахассислиги бўйича дипломдан кейин таълим йўналишида қўшма ўқув дастурлари ҳамда илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадида ўтган йили вазирлик ҳамда Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланганлигини айтиб ўтди. Шу ўринда таъкидлаб ўтишимизки, 2024-2025 ўқув йили давомида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ва Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан тавсия этилган номзодлар орасидан дастлабки саралаш асосида танлаб олинган 120 нафар мутахассисни тайёрлашни режалаштирган. Ўқув дастурининг умумий ҳажми жамоат саломатлигини бошқариш ва муҳофаза қилишнинг асосий жиҳатларини қамраб олган 306 ўқув кредитини ташкил этади. Қўшма дастур доирасидаги "Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлигини сақлаш учун халқаро тажриба" модули бўйича машғулотларнинг биринчи циклида ҳудудлардан 30 нафар тингловчилар иштирок этишмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, машғулотларда иштирок этаётган тингловчилар билан суҳбатлашар эканмиз, улар устозлари томонидан олиб борилаётган дарсларнинг халқаро тажрибаларига мос равишда олиб борилаётганлиги ҳамда мавзуларнинг ўзига хос долзарблиги хусусида ўз фикрларини билдириб ўтдилар.

Ибодат СОАТОВА,
журналист

касбий малакасини ривожлантириш марказининг "Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш" кафедраси 2019-2024 йиллар давомида тизимли фаолият олиб бормоқда. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида раҳбар ходимларни стратегик захирасини шакллантириш механизмлари 2019 йилдан амалга оширишга жорий этиб келинмоқда. Айтишимиз муҳимки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими учун "Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлигини сақлаш" мутахассислиги бўйича дипломдан кейинги таълим йўналишида қўшма ўқув дастурларни ҳамда илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадида 2023 йил 6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Ҳамкорлик меморандум ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил 28 мартдаги 101-сонли буйруғи қа-



нинг ўқув дастури ишлаб чиқилди ва рўйхатга олинди.

Ва бу борадаги ҳамкорлик жараёнлари бошлаб юборилди. 2024 йилнинг 21 октябрь куни Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетиде Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ва Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ҳамкорлигида "Соғлиқни сақлашни бошқарув ва жамоат саломатлигини сақлаш бўйича халқаро тажриба" мавзусида биринчи халқаро модулининг очи-



раққиёт стратегиясига мувофиқ амалга оширилаётган касбий

шувларни жорий эта оладган ва замонавий тиббиёт тизимининг

ДИЛ ИЗҲОРИ

АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАР ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

*Республика ихтисослаштирилган
аллергология ва клиник иммунология
илмий-амалий тиббиёт
маркази бугунги кунда нафақат
мамлакатимиз, балки Марказий Осиё
минтақасида ҳам энг йирик тиббий
марказларидан бири ҳисобланади.*



мурожаат қилишни тавсия қиламан. Марказдаги малакали шифокорлар Жаҳонгир Ҳамзаев, Наргиза Айдоева, Шавкат Сатинбаев, тиббиёт ҳамширалари Маъмура Жўраева, Камола Шукурова, Дилфуза Бекмуродова, Сайёра Мирзаева, Феруза Асуевалар беморларга малакали хизмат кўрсатиб, уларнинг меҳрларини қозониб келишмоқда.



Бахтиёр Жўраев, Тошкент вилояти, Окқўрғон туманидаги 11 ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор муовини:

– Менда бундан икки йил олдин аллергия аломатлари бошланди. Томоқларим қичишиб, турли овқатларга тошмалар тоша бошладим. Май ойида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида даволандим. Менга Республика аллергия маркази-

га боришни тавсия қилишди. Мени бу ерда жуда яхши кутиб олишди. Марказнинг катталар



Маржона ХОЛДОРОВА, Қашқадарё вилояти-

нинг Косон туманидан:

– Икки ёшар қизчам аллергиядан қийналади. Овқат ея олмай, бўғилиб қолади. Натijaда қизим озиб кетиб, вазнини йўқотиб қўйди. Ўзимизнинг шифохонада бизга Республика аллергия марказига боришни тавсия қилишди.

Ҳозир қизчам бу ерда турли муолажаларни оляпти. Қизимнинг яхши бўлаётганидан хурсандман ва марказнинг меҳрибон врачларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, Республика ихтисослаштирилган аллергия ва клиник иммунология илмий-амалий тиббиёт марказининг аҳоли-саломатлиги йўлида амалга ошираётган бугунги ишлари – инсон кадр-қиммати ва саломатлигига берилаётган эътиборнинг яққол ифодасидир. Зеро, одамларни ҳаётдан рози қилиш, эркин ва фаровон яшашини таъминлаш мамлакатимиз сиёсатининг бугунги устувор йўналишига айланган.

Нарзулла ҲАМРОЕВ

Бу ерда мамлакатимиз фуқароларидан ташқари қўшнимамлакатлар Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистонлик фуқоралар ҳам даволаниб кетишади.

Беморларга қулайлик яратиш учун марказда алоҳида катталарва болалар маслаҳат поликлиникалари ташкил этилган. Ҳозир айна аллергия касалликлар мавсуми бўлганлиги боис, бу ерда касаллар сони одатдагидан кўпроқ.

– Оддий одамлар орасида "аллергия" атамаси кенг маънода инсон танасининг ҳар қандай юқори сезувчанликка бўлган таъсирини англатади, – дейди марказ директори, профессор Илмира Разикова. – Аллергия – бу иммун тизимининг турли моддаларга юқори сезувчанлиги билан намоён бўладиган иммунологик жараён. Бурун оқиши, томоқ қичиши, аксириш, хансираш ва бошқалардир. Бундай патоло-

гик жараён ҳар қандай жинс ва ёшдаги беморларда ривожланади. Аллергик реакция ҳар қандай одамда ривожланиши мумкин, аммо баъзи одамларда бу жараён бошқаларга қараганда кўпроқ намоён бўлади.

Аллергия белгилари турли хил одамларда ҳам бир хил кучга эга эмас. Бу нафақат маълум бир организмнинг хусусиятлари, балки ирсият билан ҳам боғлиқдир. Баъзи беморларда бундай реакцияларга генетик мойиллик мавжуд бўлади.

Аллергия нафақат ҳаётни мураккаблаштиради ва вазиятни ёмонлаштиради, балки иммунитетни сезиларли даражада пасайтириб юборади. Шунингдек, унинг баъзи кўринишлари, масалан, анафилактик шок, ҳаёт учун хавф туғдириши мумкин.

Шу билан бирга, агар ушбу касаллик аломатлари бўлса, унинг ривожланиш сабабларини аниқлаш ва даволаш учун марказимиз шифокорларига

дефекти мавжудлигини аниқладилар. Пластика амалиёти муолажаси қўлланиладиган бўлди. Аммо бунингдек юқори технологик операция харажатиға етadиган маблағим йўқлигидан ичим эзила

Нихоят, РИКИАТМ Наманган филиалига келдим. Таниқли шифокор Абдусалом Хўжамбердиев бошчилигидаги жарроҳлик бўлимида текшириб, менда юрак бўлмачалариаро туғма тўсик

бошлаган ҳам эдики, ижтимоий реестрда киритилганимни, шунинг учун амалиёт Давлат тиббий суғурта жамғармаси ҳисобидан қилинишини айтдилар.

Тиббиёт фанлари номзоди Нуриддин Бахриддинов бошчилигида олий тоифали врачлар Орифжон Қосимов, Шавкатжон Нажмиддинов, анестезиолог-реаниматолог Носиржон Худойбердиев, Ғофиржон Эгамов, ҳамширалар Луиза Абдураззокова, Наргиза Аҳмедова сунъий қон айланиш шароитида юрагим бўлмачалари

орасидаги тўсик нуқсонини бартараф этдилар.

Умримга умр қўшган шифокорларга, давлат тиббий суғурта жамғармасига оилам, фарзандларим номидан чексиз миннатдорчилик билдираман. Жамиятимизда инсон кадрини кўтариш борасида тинмай қайғураётган Президентимизга таъзим қиламан!

Махлиё РАҲМИДИНОВА,
Чуст тумани..

35 ЙИЛЛИК ДАРДДАН ХАЛОС БЎЛДИМ

Авалло, Тиббиёт ходимлари қуни - касб байрамингиз билан чин қалбимдан табриклайман! Шу қутлуг сана арафасида мен 35 йиллик умр давомида азоб бериб келган дарддан халос бўлдим. Тез-тез такрорланувчи хуружлар, нафас етишимовчилиги дармонимни қуритар, турмуш, иш фаолиятимда ҳаловат бўлмасди.

Нихоят, РИКИАТМ Наманган филиалига келдим. Таниқли шифокор Абдусалом Хўжамбердиев бошчилигидаги жарроҳлик бўлимида текшириб, менда юрак бўлмачалариаро туғма тўсик

МИННАТДОРЛИК ТУЙҒУЛАРИ

ДИЛ ТАШАККУРИМ СИЗЛАРГА

Мамнунлик билан айтмоқчиманки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тиббиёт тизимига бўлган эътиборлари боис, юртимиздаги шифо масканлари янги қиёфа қаишф этди, шунингдек, улар янги ва замонавий аппаратуралар билан жиҳозланди, малакали кадрлар билан таъминланиб аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиши янада яхшиланди. Ҳозирги кунда қайси бир тиббиёт муассасасида бўлманг, у ердаги шароит ва имкониятлардан мамнун бўлиб кетасиз.

лик ва тиббиёт ходимларининг хушмуомалалик билан кутиб олишларидан хурсанд бўлиб, гўёки ўзингизни дарддан фориғ бўлгандек ҳис қиласиз. Ушбу тиббиёт масканида даво муолажаримни олар эканман, у ердаги тажрибали шифокору, ҳамширалар, қолаверса, барча ходимлар меҳнатидан ниҳоятда хурсанд бўлдим. Айниқса, даволанувчилар учун яратилган шароитлар, жамоа ходимларининг самимийлиги, меҳрибонлиги, ғамхўрлиги, айниқса, сифатли тиббий хизмат кўрсатишдаги тажрибалари таҳсинга лойиқдир.



Нафақада бўлганлигим сабабли, саломатлигимни тиклаш мақсадида, пойтахтимиздаги шифо масканларида даволаниб тураман. Яқинда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 2-шаҳар клиник шифохонасининг неврология бўлимида даволаниб чиқ-

дим. Мазкур шифохонага киришингиз билан унинг худудидagi гўзал табиат манзараси, анвойи гулларнинг гўзаллиги ва тозаллиги инсон қалбига кўтаринки кайфият бағишлайди. Муассаса ичкарасига кирганингизда янгидан таъмирдан чиққан бўлимлардаги шароитлар, ораста-

“Юз ишчига бир бошчи” деганларидек, клиник шифохонанинг бош шифокори ёш талабчан, ўз касбига садоқат билан ёндашадиган Умид Ризаевнинг фаолиятларига назар ташлар эканман, ундаги шифокорлик касбига бўлган иштиёқини, энг асосий-

си жамоасидаги соғлом мухитни кўриб жуда хурсанд бўлдим. Шунингдек, беморлар қалбига йўл топиб, ўзларининг фидойи меҳнатлари билан эл дуосига мушарраф бўлаётган бош шифокор муовини Шаҳноза Ҳидоятлова, кардиология бўлими бошлиғи Азиза Юнусова, терапия бўлими бошлиғи Абдуқодир Азимов, катта ҳамшира Гўзал Камолхўжаева, муолажа ҳамшираси Наргиза Зоҳидова, бир-биридан чакқон ва меҳрибон ҳамширалар Фарида Турсунова, Нилуфар Салоҳитдинова, Саодат Тоҳиева, Назокат Отабоева, орастабонлар Дилноза Саидалиева, Махбуба Назарова, Мунаввар Қосимова, овқат тарқатувчи Нилуфар Ширинхонова ва бўлим бекаси Мухтабар Кизилбиеваларнинг кўрсатаётган сифатли тиббий

ёрдамлари ва эзгу фазилатларидан шахсан мен ва барча даволанувчилар ниҳоятда мамнун бўлдик. Мен ҳам саломатлигимни тиклаб оилам бағрига қайтдим. Юртимизда ана шундай қалби пок, ўз касбини ардоқлаб бемор қалбларга нажот бахш этаётган тиббиёт ходимлари билан фахрлансак арзийди. Шу фурсатдан фойдаланиб, мазкур клиника бош шифокори Умид Ризаев ҳамда унинг ахил жамоасидаги ходимларига чексиз ташаккуримни изҳор этаман. Ўзларига мустақкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ишларига эса ривожлар тилаб қоламан.

Кўлингиз дард кўрмасин саломатлик посбонлари!

ШИФОКОРЛАР МЕҲНАТИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ...

Набирам Нигинанинг дилбанди эварам Муҳаммад Юсуф олти ойлик. Яқинда диарея касаллигига учраб қолди. Кичкинтойни саломатлиги бўлмагач, оиламизда ҳаммамизнинг кайфиятимиз бўлмади. Тез ёрдамда зудлик билан Тошкент шаҳар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига олиб боришди. Муҳаммад Юсуф керакли муолажаларни олсада саломатлигида ўзгариш бўлмагач, кичкинтойимизни Республика вирусология илмий текшириш институтига олиб бордик.

шифокору, ҳамширалар бор малакаларини ишга солиб даво муолажаларини бошлаб юборишди. Уларнинг хушмуомалалиги, меҳрибонлиги, болажонлиги ва ғамхўрлиги туфайли Муҳаммад Юсуф аста-секинлик билан тузала бошлади. Бундан олдин айрим шифо масканида бўлганимизда эварамнинг томири орқали юбориладиган дори-дармонларни ўтказиш



Мазкур шифо масканининг тажрибали тиббиёт ходимлари эварамнинг саломатлигини текширгандан сўнг, тезда даво муолажалари олиб бориш зарурлигини айтишди ва зудлик билан сифатли тиббий хизмат

кўрсатишни бошлашди. Шу ўринда айтишим муҳимки, кичкинтой касал бўлганда, унинг дардини фақатгина ўз касбининг моҳир устаси бўлган тиббиёт ходимлари билишар экан. Эварамни ўз фарзандлари каби бағрига олган

кийин бўлган эди. Лекин, ушбу тиббиёт муассасасидаги шифокору, ҳамшираларнинг астойдил меҳнатларига таҳсинлар айтгим келди. Малакали соҳа ходимлари эварамнинг саломатлигига диққат билан эътибор бериб,

кетма-кетликда даво муолажаларини сифатли олиб боришди. Муҳаммад Юсуфнинг кайфияти кўтарилди бошлади, иштаҳаси очилди ва ҳаракатда бўла бошлади. Кичкинтойимизнинг саломатлигидаги ўзгаришдан ота-онаси, қолаверса, оила аъзоларимиз мамнун бўлдик. Эварамни оиламиз бағрига соғ-саломат олиб қайтар эканмиз, мазкур шифо масканининг директори, академик Э. Мусабаев, бош шифокор Л. Тўйчиев, бош шифокор ўринбосар М. Раҳмонов, бош ҳамшира С. Гуломова ҳамда бўлим бо-

шлиғи Н. Муҳамедова, шифокорлар М. Низомходжаев, Р. Йўлчиева, катта ҳамшира М. Олимжонова шунингдек, бир-биридан чакқон ҳамширалар ҳамда бўлим бекалари кўрсатган тиббий ёрдам ҳамда ғамхўрликларидан ниҳоятда миннатдор бўлдик ва улар меҳнати қанчалик таҳсинга лойиқ эканлигини гувоҳи бўлдик. Фурсатдан фойдаланиб, юқорида номлари тилга олинган тиббиёт ходимларига оиламиз номидан чексиз миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

**Малоҳат НАЗАРОВА
Тошкент шаҳри.**

ЮРТИМИЗ ШИФОХОНАЛАРИДА

Бел, умуртқа поғонам ва тиззамдаги оғриқдан азоб чекиб юрган кунларимда бир дугонам Талъат Усмонов ҳақида гапирди. Тезда врачнинг ҳузурига ошиқдим. Врач мени текишириб кўргач, опажон ўн кунда бу дарддан фориг бўласиз деди шифокорнинг гапларига ишонсам-да буни тасаввур этолмас эдим.

Замон талабига монад Засобоб-ускуналар билан жиҳозланган шифо масканида беморларга тиббий хизмат кўрсатиш аъло даражада, палаталар тоза, озода. Нега шифокорлар касбини танладингиз, деганимда Талъат Усмонов ёшлигимда онамнинг қон босими ошиб кетганида, тез тиббий ёрдам шифокорлари муолажа қилгач, тезда соғайганини кўриб, шифокорлик касбига бўлган қизиқиш уйғонган эди. Амаларим, Гулсун кардиолог, Раъно ва Замира педиатр, Қўйсин эса терапевт шифокор бўлиб халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилишган. Мақоламиз қахрамони Талъат Усмонов менинг биринчи устозларим

қанчалар тўлқинланиб гапирсамда озлик қилади. Эътирофга сўз ожиз. Биз падари бузрукворимиз ва волидаи муҳтарамаларимиз олдида

паратни, бўйин, бел мослашмалари ҳам мавжуд. Бунинг баробарида беморларга лазеротерапия, магнитотерапия, карипаин, игна, мумиё, бимануал терапия муолажалари ҳам олиб борилади. Шу ўринда марказнинг катта ҳамшираси Адолат Қувондиқова билан ҳам суҳбатда бўлдим.

Опажон шифохонамизга Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари, Тошкент шаҳри, Учқудук, Хатирчи, Лангар, Нуробод, Каттакўрғон ва Пахтачи туманларидан беморлар келиб



ЭЛ ДУОСИГА МУШАРРАФ БЎЛАЁТГАН ШИФОКОР

лигимни изхор этаман, – дейди Олтин Эшнӣёзова.

Яна бир бемор фикрларимизга кўшилиб, у ҳам ўзининг мамнунлигини билдирди.

Ёшим 62 да. Ёшлигимда ревматизм ва полиатрит касаллиги билан оғриганман. 5-6 йилдан буён бел, тизза ва қўлимдаги кучли оғриқлар жуда азоб берди. Ҳатто, иккита қўлтиқ таёқда зўрға юрар эдим. Бу орада кўплаб шифокору, табибларга мурожаат қилиб даволандим, афсуски натижа бўлмади. Малакали шифокор Талъат Усмоновнинг



даволанишади. Уларнинг соғайганини кўриб хурсанд бўламиз, – дейди Адолат синглимиз. Ҳа, бу шифо масканида ўз касбининг фидойилари кўп экан. Яна улардан бири уқаловчи Муқаддас Маҳамова билан ҳам қисқа суҳбатда бўлдик.

Ҳа, ўз касбимни жуда ардоқлайман. Сабаби, даво муолажалар олаётган ҳар бир беморимнинг кўли дуода. Албатта, касбимнинг ўзига хос масъулияти бор. Беморларим-



гапириб ўтдилар.

Касбим ҳамшира. 30 йилдан кўпроқ халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилдим. Ҳозирда нафақаданман. Кейинги йилларда тез-тез қон босимим кўтарилиб, саломатлигимда ўзгаришлар бўлди. Яқинда қон босимим ниҳоятда кўтарилиб аҳволим оғирлашиб қолди. Фарзандларим ушбу марказга олиб келишди. Тажрибали шифокор невропатлог Талъат Усмонов саломатлигимни текшириб кўргач, даво муолажаларини бошлаб юборди. Тажрибали шифокор ҳамда кўли енгил ҳамшираларнинг кўрсатган сифатли тиббий хизматлари туфайли тез орада тузалиб оилам бағрига қайтдим. Малакали шифокор Талъат Усмонов ҳамда меҳрибон ҳамшираларга ўзимни миннатдор-

фаолиятини эшитиб, даво муолажаларини олиш учун ушбу шифо масканига даволанишга келдим. Уларнинг олиб борган муолажалари натижалли бўлиб, қўлтиқ таёқларсиз мустақил юра бошладим. Минг шуқурким, ҳозирда саломатлигим яхши, – дейди Қандолат опа.

Зеро, қўлимга қоғоз ва қалам олиб ёзаётганимда қахрамонимни кўнглига йўл топа оламанми, деган ҳаёллар юрагимни чўлгаб олади. Ҳа, мен учун ҳар бир инсон ўзгача бир олам, ҳар бир қахрамон ўзгача бир дунё. Бу галги қахрамоним Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги “Доктор Усмонов” диагностика даволаш маркази хусусий шифохонаси асаб касалликлари бўлими бошлиғи Талъат Усмоновдир.

Юртимзда ана шундай қалби пок, ўз касбининг билимдони бўлган шифокорларимиз кўпаяверсин. Шу ўринда эл назарига тушган ва улар дуосига мушарраф бўлаётган малакали шифокор Талъат Усмоновнинг халқимиз саломатлиги йўлидаги ишлари янада раванқ топиб, мустаҳкам соғлик ва оилавий хотиржамлик ҳамроҳи бўлишини тилаб қоламан.

**Сафия НАЗАРОВА,
Самарқанд вилояти.**

амаларимдир, дея фахр билан гапирди. Бир сўз билан айтганда, Усмоновлар оиласини шифокорлар сулоласи десак, муболаға бўлмайди. Суҳбатимиз чоғида тажрибали шифокор Талъат Усмоновнинг ҳам оиласи тўғрисида билгимиз келди. Секингина сўз бошлаган шифокоримиз оиласи тўғрисида куйидагиларни гапириб ўтди.

Отам Имон Усмонов дехқон бўлганлар. Онам Гулчехра ая уй бекаси. Улар ўн нафар фарзандни эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашди. Оиламиз аъзолари Барно химия фанлари номзоди, Толиб, Зулфия, Бекзод, инженер технолог, Зебунисо, Ўғилой филология фанлари номзодлари, ўқитувчи, Мавжуда ҳам ўқитувчи, Сожида мактаб директори, математика фанидан ўқувчиларга сабоқ беради. Мен невропатлог укам Ойбек терапевт-шифокор. Аввало, бизни тарбиялаб вояга етказган ва илмли бўлишимизда меҳрибон онажон ва отажонимизнинг меҳнатлари ниҳоятда бекиёсдир. Улар тўғрисида



доимо таъзимдамиз, – дейди Талъат Усмонов.

Таъкидлаш муҳимки, ушбу марказда бўйин, кўкрак, бел-думгўза, умуртқалараро диск чурралари, невралгиялар, уч шохли нерв неврити, ва бошқа касалликларни жарроҳлик амалиётисиз инновацион технологиялар асосида даволашар экан. Шунингдек, нугабест умуртқа тортиш ап-

ни ташхисини аниқ билгач, касаллик тарихига қараб, белгиланган яъни фаол нукталар асосида уқалаш муолажаларини олиб бораман, – дейди тажрибали уқаловчи Муқаддас Маҳамова.

Шу ўринда даво муолажалар олаётган беморлар ҳам бундай сифатли тиббий хизматдан мамнун эканликларини

ХОТИРА

ЎЗ КАСБИНИНГ МОҲИР УСТАСИ ЭДИ

*Касалликни даволаш
нафақат шифокор ва
шифокорнинг маҳоратини,
балки беморга нисбатан
катта эътибор ва меҳрни
ҳам талаб қилади.
Гиппократ.*

Болалигимдан турли китобларни ўқишни яхши кўраман, шунингдек, классик мусиқа ва жаҳон юлдузларининг кўшиқларини тинглашни яхши кўраман. Менга санъаткор Витаснинг иши, айниқса унинг "Юлдуз" кўшиғи ёқади, чунки у чуқур маънога эга. Шейрлар муаллифи биз нима учун яратилганимизни, бу дунёга нима учун келганимизни эслатади. Одамлар ҳаёт мазмунини турлича

ўзига хос афзалликларга эга. Масалан, қурувчилар иссиқ ва совуқ ҳавода ишлайди. Ўқитувчилар учун ҳам осон эмас, чунки улар жуда кўп асаб, куч ва куч сарфлашади. Учувчилар учун ҳар бир парвоз катта хавф ҳисобланади. Лекин касбларининг энг машаққатлиси, энг масъулиятлиларидан бири, назаримда, шифокорлик касбидир.

Шифокорлик – шундай эзгу касби, улардан даво топган инсонлар бир умр миннатдор бўлиб юрадилар. Шундай экан, ушбу касбнинг муносиб ва моҳир намоёндаларидан бири тиббиёт фанлари номзоди Ясин Қосимович Қосимов эди.

Ясин Қосимов 1948 йилда



тушунадилар. Баъзилар ҳаётнинг бутун маъноси бойлик ва ҳашамат деб ўйлашади, бошқалари машҳурликка интиладилар, учинчилари эса бошқа нарса учун.

Ҳаётнинг мазмунини жамиятга фойдали бўлишда, илм билан шуғулланишда, зўр устоз бўлишда, ортда яхши шогирдларини қолдиришда кўраман. Бунинг учун сиз муносиб касбга эга бўлишингиз керак. Ҳозир кўплаб касблар мавжуд. Қадим замонларда уларнинг сони чекланган бўлса-да, саноатнинг ривожланиши, тараққиёт ва эҳтиёжларнинг ортиши билан уларнинг сони ўсиб борди. Айни пайтда дунёда қирқ мингдан ортиқ турли касблар мавжуд. Уларнинг ҳар бири

Андижон вилояти Хўжабод туманида туғилган. 29-умумтаълим мактабини аъло баҳоларга тамомлаб, Андижон давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. 1972 йилда шифокор бўлиб, юқумли касалликлар бўлимига касалхонага ишга кирди. 1982 йилда Москвада номзодлик диссертациясини химоя қилди, 1987 йилда Андижон давлат тиббиёт институтининг юқумли касалликлар кафедраси доценти бўлди ва кўп йиллар давомида (1997 йилдан 2014 йилгача) ушбу кафедрага раҳбарлик қилди. Ясин Қосимович оддий инсон эди. Буни унинг ҳамкасблари, сафдошлари, яқинлари билан суҳбатларидан бўлдим. Улардан бири юқумли касалликлар кафедраси мудири

Дилдора Мирзакаримова эди. У Ясин Қосимовични хурмат қилар ва ҳали талаба бўлганидаёқ унинг барча маърузаларида қатнашарди. – Кафедраси ассистент бўлиб келганимда ишимда ўз маслаҳатлари билан қўллаб-қувватлади, – дейди миннатдорчилик билан эслайди Дилдора Мирзакаримова. Унинг ҳамкасби, ушбу кафедра доценти Ёқубжон Йўлдошев Ясин Қосимович ҳақида ёрқин туйғу билан гапирди: “Биз деярли тенгдош эдик, у Ясин Қосимович ҳаммага – талабалар, ҳамкасблар ва беморларга хурмат билан муносабатда бўлган. Ўсмирлар ва ҳаттоки кичик болаларга "Сиз" деб мурожаат қилар эди. Андижон давлат тиббиёт институти Оила шифокорларини тайёрлаш кафедраси му-

дири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Зухриддин Салоҳидинов у ҳақда шундай сўз юритди: “Ясин Қосимов жуда маданиятли, зукко, камтарин, доно инсон эди. У ажойиб фидойилик билан ажралиб турадиган касб эгаси бўлиб, оиласи билан уч нафар ўғилни муносиб тарбиялаган. Ясин Қосимовичнинг юқумли касалликлар кафедрасида ассистент бўлиб ишлаётган жияни Улуғбек Қосимов билан ҳам гаплашдим. “Кичиклигимдан тоғамнинг ҳаммага хушмуомалалик билан муносабатда бўлганини эслайман, у ҳеч қачон газабда кўринмасди, “Дада” (Улуғбек уни дада деб атайти) табиатан қатъиятли одам эдилар. Кафедра доценти Мадамин Қаландарович шундай эслайди: “Ёсин Қосимович инсоний характердаги энг олижаноб фазилатларга эга эди, шу билан бирга у талабаларга фақат “домла” сифатида қарарди, лекин у дўст, ўрток сифатида касалларни фақат дори-дармонсиз, балки илиқ сўзлар билан даволаган.

Суҳбатдошим ҳам Асака туманидаги оилавий поликлиниканинг бўлим мудири Ғайратжон Джайманов эди. У Ясин Қосимовични Андижон давлат тиббиёт институтига талаба бўлишидан олдин таниган.

17 ёшимда касал бўлиб, касалхонага (Асака) жуда оғир аҳволда ётдим – ўлим хавфи бор эди. Мени Андижонга, Ясин Қосимович ишлаган кли-

никага ўтказишди. Таҷрибали шифокор мени даволаб, оғир касалликдан фориғ этди. Улардан бир умр миннатдор бўлдим. Менинг охириги суҳбатдошим Ясин Қосимовичнинг укаси - тиббиёт фанлари доктори, профессор, оториноларингология кафедраси мудири Қобул Қосимов эди.

Мен профессорга савол билан мурожаат қилдим: “Сиз акангдан кейин тиббиёт институтига ўқишга киргансиз. Балки, шифокорлик касбига бўлган қизиқшингизга акангиз сабабчи бўлгандирлар? Акам жуда яхши мутахассис эди, узоқ йиллар кафедрани бошқарган. Шунингдек, акам кўп китоблар ўқиган ва тиббиёт амалиёти ютуқлари билан қизиқар эди...”

Ушбу мақоламни муҳтасар қилар эканман, Амир Темурнинг қуйидаги ибораси ёдимга тушди. “Ҳар бир инсоннинг баҳоси ўз касбини аъло даражада бажаришидадир”. Мазкур ибора таҷрибали, камтарин ва ўз касбининг моҳир устаси бўлган марҳум Ясин Қосимовнинг эзгу фазилатлари ва ўз касбининг фидойиси меҳнатларига берилган баҳо деб билдим. Хулоса ўрнида айтмоқчиманки, шифокоримизнинг фаолиятлари тўғрисида яқинлари, шогирдлари ва ҳамкасбларининг билдирган фикрлари эзгу фазилатли инсон Ясин Қосимовдан шогирдлари учун яхшигина ибрат мактаби қолганлигини чуқур англаб етдим.

Зульфия АМИНОВА.

14 НОЯБРЬ - ХАЛҚАРО ДИАБЕТГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

ТИББИЙ-МАЪРИФИЙ АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ

Шу муносабат билан вилоят эндокринология марказида тиббий-маърифий анжуман ўтказилди.

Унда ВССБ бошлиғи А. Иминов қатнашиб, турли ёшдаги беморлар иштирокида давра суҳбатлари курди. Абдулҳоди Муҳиддинович самимий ва ошқора мулоқотда берилган саволларга жавоб қайтариб, билдирилган таклиф-мулоҳазалар ижросига қаратилган истикболли режалар белгилаб берди.



МЕРОПРИЯТИЕ

ПОПУЛЯРИЗАЦИЯ НАСЛЕДИЯ АБУ АЛИ ИБН СИНО

8 ноября в Государственной научной медицинской библиотеке Министерства здравоохранения Республики Узбекистан (ГНМБ МЗ РУз) прошел круглый стол, посвященный 1044-летию Абу Али ибн Сино. Мероприятие было организовано совместно с Общественным фондом «Ибн Сино» и гостелеканалом «УзбекистонТарихи». Важной частью встречи стало подписание Меморандума о совместной работе ГНМБ МЗ РУз и фонда «Ибн Сино» по популяризации научного наследия великого ученого, а также по передаче его знаний и ценностей молодому поколению, привитию им чувства патриотизма и гордости за свою историю.

мии народной медицины Б.Хамраев и студенты Государственного института искусства и культуры.

Директор ГНМБ МЗ РУзФ.В. Болкунова открыла круглый стол с докладом об истории библиотеки и её деятельности. Участникам была представлена книжная выставка, посвященная Ибн Сине, включающая редкие рукописные издания «Канон врачебной науки» на арабском языке.

Продолжили мероприятие директор гостелеканала «УзбекистонТарихи» Ш.М.Хайитов, а также



исполнительный директор Академии народной медицины, главный редактор журнала «Шарк таботати» Б. Хамраев.

Руководитель фонда «Ибн Сино» Н.А.Махмудов рассказал о работе Фонда, которому в этом

году исполнилось 25 лет. В ходе мероприятия были подписаны два Меморандума о сотрудничестве: один – между Общественным фондом «Ибн Сино» и ГНМБ МЗ РУз, второй – между Фондом и Гостелеканалом «УзбекистонТарихи». Меморандумы предусматривают совместную деятельность в области популяризации наследия великого Ибн Сины.

Круглый стол прошел в теплой и дружественной атмосфере, и участники наметили планы на будущее сотрудничество и взаимную поддержку в этом важном начинании.

Лола ЭРГАШЕВА,
Заместитель директора
Государственной научной
медицинской библиотеки
Министерства здравоохранения
Республики Узбекистан

ФАХР

МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХАЛҚАРО СИФАТ СЕРТИФИКАТИГА ЭГА БЎЛДИ

Янги Ўзбекистон тиббиёти босқичма-босқич трансформация қилиниши натижасида сўнгги йилларда юртимиздаги қатор ихтисослаштирилган марказлар ва тиббиёт олий ўқув юртлари ўз фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқлаштириб бормоқда.

жариш имконияти яратилган.

Тиббиёт муассасаси Хитой, Ҳиндистон, Германия, Туркия, Жанубий Корея каби қатор хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Эслайтиб ўтамиз, ISO 9001 сифатни яхшилаш ва мижоз-



ларнинг талабларига жавоб беришда халқаро эътироф этилган стандарт бўлиб, мар-

каз фаолиятини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

@ssvvuz



Бугун улар сони яна биттага кўпайди. Миллий тиббиёт марказига ISO 9001:2015 халқаро сифат стандартларини жорий этганлиги муносабати билан ASTRAIA Certification, s.r.o. ташкилоти томонидан махсус сертификат топширилди.

Шу йил бошида ишга туширилган марказ тиббиётимизнинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган. 500

ўринга мўлжалланган мажмуада 200 га яқин турдаги 1000дан зиёд илғор тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилган бўлиб, амбулатор ва стационар тартибда 200дан ортиқ тиббий хизмат кўрсатилади.

Бу ерда йилига 6 мингдан зиёд, жумладан, аорта-коронар шунглаш, эстетик-пластик хирургия, артропластика, орган ва тўқималарни кўчириб ўтказиш каби юқори технологик жаррохлик амалиётларини ба-

"НЕФТЧИЛАР ШАҲАРЧАСИ"ДА ТИББИЙ ХИЗМАТ

Республикамиз Мустақилликка эришганининг дастлабки йилларида ҳамма соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўринда турувчи нефт-газ ва ёқилги саноатида ҳам мустақилликка эришиш давлат сиёсатининг асосий устувор вазифаларидан бири бўлиб турган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг ташаббуси билан Қизилқум саҳроси этақларида Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани ҳудудида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишига старт берилди.

Қурилиш ишларига дунёнинг шу соҳадаги кўзга кўринган етакчи хорижий компаниялари жалб этилди ва жуда киска фурсатларда (1997 йил 22 августда) Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиб фойдаланишга топширилди. "Сахро мўъжизаси" номини олган, углеводород хомашёларини қайта ишлаб

улардан мамлакатимиз халқ хўжалиги учун ёқилги-мойлаш маҳсулотлари ишлаб-чиқаришга ихтисослашган мазкур гигант корхонада ҳозирги кунда беш мингдан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Шу корхонада ишловчи ходимларнинг турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш корхона си-

ёсатининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Бу борада жуда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Завод ҳудудида замонавий усулда қурилиб, зарур асбоб-анжомлар билан жиҳозланган Тиббиёт санитария қисм, ишчи-хизматчиларнинг оилалари истикомат қиладиган "Нефтчилар шаҳарчаси"да замонавий поликлиника, Тез ёрдам станцияси ишлаб турибди.

Шаҳарча ҳудудидаги иккита мактаб ва болалар боғчаларига ҳам завод тиббиёт санитария қисми хизмат кўрсатади. Ма-лакали шифокорлардан иборат жамоа туну кун аҳоли саломатлиги учун тинмай хизмат қилмоқда. Ҳар йили корхона раҳбарининг тегишли буйруғи асосида ишчи-хизматчилар ва

уларнинг оила аъзолари бепул тиббий кўриқдан ўтказилади. "Иссиқ жонни иситмаси бўлади" дегандай соғлиғида муаммолари аниқланган ишчи-ходимларни керакли мутахассислар иштирокида маслаҳатлар берилиб уларни даволаш чоралари кўрилади. Тиббиёт санитария қисм поликлиникасида амбулатор даволашнинг барча усуллари бепул, корхона ҳисобидан амалга оширилади. Зарурият туфайли стационар шароитда бошқа даволаш муассасаларига даволаниши керак бўлган ишчиларга харажатлар тиббиёт санитария қисм тавсияси асосида завод касабга уюшма кўмитаси томонидан қоплаб берилади. Шундай ҳолатлар ҳам кузатила-яптики, ишчи -ходимларнинг

нафақат ўзлари, балки уларни оила аъзоларининг мамлакатимиз нуфузли клиникаларида, хорижий давлатларда амалга оширилган мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун ҳам корхона иқтисодий жиҳатдан асосий моддий ёрдамни амалга ошириб келмоқда. Юртбошимиз томонидан инсон кадр-киммати, унинг саломатлиги юксак эътироф этилаётганини тўғри англаган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи раҳбариятига ва тиббиёт санитария қисмига олиб бораётган самарали ишларида зафарлар тилаб қоламиз.

Умид РАСУЛОВ,
Бухоро вилояти
Ҳарбийлашган газдан
қутқарув отряди
қутқарувчиси.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

ХАВО ГАЗ АРАЛАШМАСИ ЧАҚНАШИДАН САҚЛАНИНГ!

Ҳар бир оила турмушда фойдаланиб келинаётган ёқилги маҳсулотлари ичида табиий газ (метан, пропан) сизиб чиқиши ва ҳаво билан аралашма ҳосил қилиб, портлашга хавфи юқорилиги билан ажралиб туради. Газ оқимининг тўсатдан (авариявий) узилиши ва қайта уланishi натижасида хона ичида газ тўпланиши, ёниб турган газ анжомларини қаровсиз қолдириш, иситиш асбоб-анжомларига газни улашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик, газ қувурларига ўзбошимчалик билан уланиш оқибатида ҳаво-газ аралашмасини портлаши ҳамда ёнғин содир бўлиши, содир бўлган ёнғинлар натижасида давлат ва фуқаролар мулкига зарар етиши ёки буткул ёниб кетиши мумкинлиги ва энг аянчлиси, ушбу содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларда фуқаролар тан жароҳатини олиши ҳаттоки халок бўлиш ҳоллари ҳам учраб туради. Шунингдек, аҳоли томонидан хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган қўл-бола, ностандарт газ жиҳозлардан фойдаланиш, газ тармоқларига резина шланг орқали уланиш, носоз ҳолатдаги дудбуронлардан фойдаланиш ҳамда хонадон ичида очик оловдан иситиш мақсадида фойдаланиш ҳолатларининг учраб туриши фуқароларнинг ис газидан заҳарланишига ҳамда ҳаво-газ аралашмасини чақнаши натижасида жабрланиши, ҳаттоки халок бўлишига олиб келмоқда.

Газ хидини сезгандан зудлик билан газ плиталари ва иситиш печларини газ тармоғидан ўчириш, эшик ва деразаларни очиб, хонани шамоллатиш, хонада электр жиҳозларини ёқмаслик, ёник бўлса ўчирмаслик (бу ҳаракат оқибатида газ - ҳаво аралашмасининг чақнашига сабаб бўлиши мумкин), газ қувурларидаги газ сизиб чиқаётган жойни аниқлаш учун очик оловдан (гугурт ёки зажикалка ёрдамида) эмас, совун кўпигидан фойдаланиш талаб этилишини яна бир бор эслатиб ўтаемиз. **Газ билан боғлиқ ёнғин ёки заҳарланишлар содир бўлганда зудлик билан махсус хизматларнинг "103"- "104" ва "1050" қиска рақамлари орқали хабар беришни унутманг, зеро "Огоҳлик давр талаби".**

Б. ҲИҚМАТОВ
"Қорасув" қароргоҳи Давлат
Резиденцияси объектларида ЁХТТББ
кичик инспектори, катта сержант.

НОСТАНДАРТ ҚУРИЛМАЛАРДАН Фойдаланиш тақиқланади

Маълумки, бугунги кунда соҳа йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан турли тadbирлар ўтказиб келинмоқда.

Мазкур тadbирлардан кўзланган мақсад, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги конун-қоидаларини тушунтириш ва ёнғин вақтида қандай ҳаракатланиш ҳамда ёнғинларни олдини олишга эътибор қаратишдан иборатдир. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ёнғинларнинг олдини олиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" шиори ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, ҳар бир корхона ва муассасанинг жамоасига тааллуқли. Аҳолига ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш борасида тушунтириш, очик оловдан

фойдаланилаётганида эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ ускуналари доимо соҳада тутиш, қўл бола тайёрланган ускуналари ишлатмаслик, белгиланган жойларда чекиш зарурлигини эслатиб ўтаемиз.

Ушбу қоидаларга риоя қилмас, мол-мулк, уй-жойни сақлаб қолиш, қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзи ва яқинларининг ҳаётини ҳам асраб қолган бўламиз.

И. ЎҚТАМОВ
"Қорасув" қароргоҳи Давлат
Резиденцияси объектларида ЁХТТББ
кичик инспектори, катта сержант.

ГАЗДАН ТЎҒРИ Фойдаланиш!

Малумки, халқ хўжалиги ривожига газ ёқилгиси муҳим ва асосий ўринда турувчи неъматдир. Шу боис, мазкур неъматдан хавфсизлик қоидалари асосида фойдаланишга эътиборни кучайтириш ҳар бир кишидан талаб этилади. Кейинги пайтда ана шу масалага давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида қаралаётганлиги ҳам бежиз эмас. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2018-2022 йил куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрланиши таъминлаш чоралари тadbирлари тўғрисида" ги қарорига кўзланган асосий мақсад ҳам ана шу халқ хўжалиги масканлари, шунингдек, аҳоли турар жойлари фуқароларнинг тинч ва осойишта яшашлари учун барча чораларни кўриш, жойларда ёнғинларнинг олдини олиш ва иқтисодий тармоқлар хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Бепарволик катта талофатларга олиб келишини ҳар биримиз ҳам тушунавермаймиз. Одий қоидаларга риоя қилмаслик, бу тинчлик-осойишталик, кут-барақа, энг қадрли ва муқаддас оила, ширин фарзанд ва яқин инсонлардан жудо бўлиш, бир умрга ногирон одамга айланиб қолиш дегани. Сир эмас, кунлар совиши билан барчаниз хоналарни иситиш мақсадида газ ва электр асбобларидан фойдаланамиз, лекин қай тарзда? Орамизда носоз ёки қўлбола электр ва газ мосламаларни ишлатган ҳолда хонадонни қулга айлантириб, ўзлари ҳам қурбон бўлиб кетган инсонлар ҳам бор. Шу ўринда фуқароларимиз хавфсизлик қоидаларини билсаларда, унга лоқайдлик билан қарамокдалар. Газ хидини сезгандан гугурт чақиш мумкин эмаслиги, газ қувурларини ўзбошимчалик билан газ плиталарига резина шлангалар ёрдамида, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид равишда улаб, хонадонини талофатларга олиб келаётган инсонлар ҳам топилади. Бу эса ўзларининг моддий зарар кўришларига ва жиддий тан жароҳати олишларига сабаб бўлмоқда. Бундай асаббузарлик ва талофат бўлмаслиги, уйингизда офат балоси чиқмаслиги учун газ билан фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишингизни сўраб эдик.

С. РАҲМОНБЕРДИЕВ
А. Навоий номидаги давлат академик
катта театри ЁХТТББ
мутахассиси, сержант.

ИС ГАЗИДАН Эҳтиёт бўлинг!

Ис газини саломатлиги учун жуда хавфли омил бўлиб, ундан заҳарланиш жуда осон. Ёнғин вақтида энг хавфлиси бу ҳавода кислороднинг

етишмаслигидир, чунки ёниш жараёнида кислород жуда кўп миқдорда ишлатилади. Шунинг учун ёнғинда кислород танқислиги бошланади. Инсон кислород танқислигини ўзи сезмаган ҳолда, ис газидан заҳарланиб, юракнинг нотўғри уриши, ўйлаш қобилиятини бир мунча камайиши ва аниқ ҳаракатланишга тўсқинлик қилади. Шу боис, инсон ўз хавфсизлигини таъминлай олмаслиги мумкин. Оддий шароитда ёнаётган ис газини хидсиз ва рангсиз бўлади. СО2 таъсирида кон кислородни қабул қилиш қобилиятини йўқотиб, бош оғриши ва кўнгил айниши бошланади. Ушбу омилларни ҳар бир инсон билиши ва ёнғин оқибатида хосил бўладиган ис газидан сақланиш қоидаларини билмаслик ачинарли оқибатларга олиш келиши мумкин. Ўзингиз ва яқинларингизнинг тақдирига бефарқ бўлманг!

А. АЗИМОВ
А. Навоий номидаги давлат академик
катта театри ЁХТТББ му-
тахассиси, катта сержант.

ОГОҲ Бўлайлик!

Аҳолининг ёнғин хавфсизлиги масалаларида билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда уларда шахсий хавфсизлик маданиятини шакллантириш, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда уй-жой фондиди ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш масалаларига жиддий аҳамият қаратилмоқда.

Қурилиш объектларида ўтказилган тadbирларда қурилиш жараёнида ёнғин хавфсизлик қоидалари ва нормаларига амал қилиниши ҳамда содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай фавкулда вазиятлардан огоҳ бўлиш ва олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Маҳаллаларда "хонадонбай" тартибиде ўтказилаётган профилактик тadbирларда аҳоли ўртасида ёнғинлар, ис газидан заҳарланиш ёки ҳаво-газ аралашмасининг чақнаши билан боғлиқ фавкулда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ва тарғибот ишлари янада жадаллаштирилмоқда.

С. МИРЗАЛИЕВ, Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
маъмурий биноларида ЁХТТББ
1-бўлим маси инспектори, лейтенант

ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИ

Ўта муҳим ва давлат аҳамиятига молик, ёнғин ва портлаш хавфи юқори объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш, уларнинг раҳбарлари билан ёнғин тактик ўқув ва машгулотлари, тушунтириш ишларини ташкил этиш энг самарали ишлар сирасига қиради.

Бундай тadbирларнинг мунтазам ўтказиб борилиши эса объектлар ва аҳоли яшаш секторларида ёнғин ва бошқа тусдаги фавкулда вазиятлардан муҳофаза қилиш ишларининг самардорлигини оширишга хизмат қилади. Чунки ана шундай тadbирлар давомида ишчи-хизматчилар ва аҳоли ёнғин, ис газидан заҳарланиш, ҳаво-газ аралашмасининг чақнаши билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, бирламчи ёнғин ўчириш восталаридан фойдаланиш ва тўғри ҳа-

ракат қилиш тартиби бўйича билимлари оширилади.

М. БОБОРАҲИМОВ, Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
маъмурий биноларида ЁХТТББ
1-бўлим маси инспектори, майор

ЗИЛЗИЛА ПАЙТИДАГИ АСОСИЙ Қоидалар

Зилзиладан олдин: Агар сиз кучли зилзила пайтида бинони тарқ этишга қарор қилсангиз, энг катта тебранишлар ва силкинишларга тахминан 15-20 сония вақтингиз бор. Зарбаларни қутишингиз мумкин бўлган энг хавфсиз жойларни олдиндан аниқланг. Уйда: 3-5 кун давомида консерва ва ичимлик суви билан таъминлаш; биринчи ёрдам тўплами (бандаж, ёпишқоқ гипс, пахта момиги) ва дори-дармонлар тўплами, портатив электр чирок, ўт ўчиргич, автомобиль. Зилзила пайтида қандай ҳаракат қилиш керак? Агар сиз бинонинг тебранишини сезсангиз, ҳужжатлар ва пулларни олиб, бинони тезда тарқ этинг. Хонадан чиқаётганда зинапоядан паства тушинг, лифтада эмас. Кўчага чиққач, у ерда қолинг, лекин бинолар ёнида турманг. Тинчланинг ва бошқаларни ишонтиришга ҳаракат қилинг!

Осилган балконлардан узокрок туриш, бошқа одамларни қутқаришга ёрдам беринг. Осонлик билан олинадиган вайроналар остида қолганларни озод қилинг. Болалар, беморлар ва қарияларнинг хавфсизлигини таъминланг. Маҳаллий ҳокимият органлари, фавкулда вазиятларни бартараф этиш штаблари кўрсатмаларига риоя қилинг. Қутқарувчиларга қўнғирок қилиш учун уяли телефонингизни ёнғингизда сақланг.

Н. ҒОҒУРЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазир
котибияти ва Автохўжалиги ЁХТТББ
кичик инспектори, оддий аскар

КУЗГИ-ҚИШГИ МАВСУМГА ТАЙЁРГАЛИК

Барчамизга маълумки, куз фасли ҳазонрез-гилик фаслидир. Ушбу мавсумда маҳаллаларда, кўчаларда шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатига қарашли кўп қаватли аҳоли яшаш уйлари атрофида дарахтлардан тушган ҳазонлар ва қуриган ўтларни ёкиш ҳоллари учраши табиий ҳол, албатта. Бироқ доно халқимиз "Олов- тилсиз ёв" деб бежиз айтмайди. Назоратсиз қолдирилган олов, албатта, салбий оқибатларга олиб келиши ҳаммамизга аён. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари маҳаллаларда, маҳалларда хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати ходимлари билан учрашувлар уюштириб маҳаллаларда, кўчаларда шунингдек хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати-га қарашли кўп қаватли аҳоли яшаш уйлари атрофида дарахтлардан тушган ҳазонлар ва қуриган ўтларни ёкиш ҳолларига йўл кўймайлики ҳамда бахтсиз ҳодисалардан бири бўлиши "ёнғинни" олдини олиш бўйича профилактик ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Ушбу ўринда айтиб ўтиш лозимки, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларни олдини олишда ҳаммамиз бирдек масъулмиз!

С. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президент
Администрациясида ЁХТТББ 1-бўлим маси
кичик инспектори, кичик сержант.

КЎРИК-ТАНЛОВ

ПАТРОНАЖ ДОЯ – АЁЛ САЛОМАТЛИГИ ТАЯНЧИ

Пойтахтимизда бирламчи тиббий санитария ёрдами тизими ходимлари ўртасида “Патронаж доя – аёл саломатлиги таянчи” кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтди.



Унда Соғликни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Баситханова, халқаро ташкилотлар вакиллари ва соҳа мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, сўнгги йилларда соғликни сақлаш тизимида айнан оналар ва болалар саломатлиги йўналишида кўплаб қарорлар қабул қилинди. Албатта, улар ўз амалий натижасини бериши зарур.

Президентимиз ташаббуси билан тиббий бригадалар таркибига доя ҳамшираси штати жорий қилинган бирламчи тизимда оналар ва болалар саломатлигини асраш борасидаги тарихий ўзгаришлардан бири



бўлди. Бу лавозимларда ишловчи ўрта тиббиёт ходимлари болалар, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларни янада сифатли тиббий хизмат билан тўлиқ қамраб олишлари кўзда тутилган.

Тадбир якунида “Она сўнининг энг яхши тарғиботчиси”, “Туғиш ёшидаги аёллар ҳимоячиси бўлган патронаж доя”, “Энг фаол соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси” каби 14 та номинация бўйича ғолиб бўлган ҳамшираларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

@ssvuz

ТАДБИР

ПАНДЕМИЯ САБОҚЛАРИ ВА ЯНГИ ТАҲДИДЛАР

Пойтахтимизда “Пандемия сабоқлари ва янги таҳдидларнинг олдини олиш” мавзусида Ўзбекистон инфекционистлари, эпидемиологлари, паразитологлари, микробиологлари ва вирусологларининг бешинчи съезди бўлиб ўтмоқда.



ҳамда илмий-амалий ёндашув асосида юқумли касалликларни баргараф этиш мақсадида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси, шунингдек Эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар марказининг туман даражасигача тушган яхлит ва вертикал бошқарув тизимлари фаолият олиб бормоқда.

Аҳамиятлиси, кўмитанинг 14 та лаборатория мажмуала-



ри “ILAC MRA” халқаро аккредитациясидан ўтказилди.

Съезднинг асосий мақсади — юқумли касалликларга қарши

курашнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, илғор тажриба алмашиш, инфекцияларни даволаш ва олдини олиш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш учун инфекционистлар, эпидемиологлар, вирусологлар ҳамда бошқа мутахассисларнинг ҳаракатларини бирлаштиришдан иборат.

@ssvuz

Унда мамлакатимизнинг етук мутахассислари билан бирга Россия, АҚШ, Германия, Франция, Хитой, Жанубий Корея, Беларусь, Ҳиндистон, Озарбайжон, Украина ва

Қозоғистон каби давлатлардан олимлар ҳамда экспертлар иштирок этмоқда.

Тадбирда таъкидланишича, юртимизда эпидемиологик барқарорликни таъминлаш



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғликни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилимиз: www.uzssgz.uz

Бош муҳаррир
ИБОДАТ СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233–11–07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет
усулида чоп этилган.

Адади - 680 дона.
Буюртма рақами Г-1038.

Босмаҳонага
топирилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топирилди 23-00.